

ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ – ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАХСУС ШАКЛИ

Матлуба Фархутдинова

Тошкент вилояти юридик техникуми ўқитувчиси

Аннотация: Қонун ва қонуности ҳужжатлари ижтимоий ҳаётда тўлиқ амалга оширилган тақдирдагина, мазмун – моҳият касб этди ва жамият учун аҳамиятга эга бўлади. Ҳуқуқ номоддий кўринишга эга бўлса ҳам, у кишиларнинг фаолиятларида, фаол хулқ ва юриш – туришларида, уларнинг моддий ва маънавий кадриятларидан фойдаланганларида тадбиқ этилиб, моддийлашади. Ушбу мақолада ҳуқуқни амалга оширининг махсус шакли бўлган ҳуқуқни қўллаш масаласи, ҳуқуқни қўллаш босқичлари ва ҳуқуқни қўллаш актлари ҳуқуқни қўллаш соҳасида самарадорликка эришиш хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқни қўллаш, қўллаш субъектлари, индивидуал, жамоавий, ҳуқуқни қўллаш акти, норматив ҳуқуқий ҳужжат.

Ҳуқуқни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, маълум муддат мобайнида босқичма – босқич амалга оширилади. Бу жараёнда субъектив ҳуқуқ ва мажбурият соҳиблари бўлган шахслар билан бир қаторда, давлат ҳам ўзининг ҳуқуқ ижод қилувчи, ҳуқуқни ижро этувчи, ҳуқуқни қўлловчи органлари орқали иштирок этади. Ҳуқуқни амалга оширувчи субъектлар фаолияти хусусиятига кўра, ҳуқуқни амалга оширишнинг уч хил шаклини кўрсатиш мумкин – ҳуқуқ нормасига риоя қилиш, ҳуқуқ нормасини бажариш ва ҳуқуқ нормасидан фойдаланиш.

Биринчи шакл – ҳуқуқ нормаси талабларига риоя қилиш. Бу ерда тақиқловчи ва муҳофаза қилувчи нормалар амалга ошади. Риоя этиш амалга оширишнинг бир шакли бўлиб, у субъектларнинг юридик таъқиқларга мос равишда иш кўришида ифодаланади. Масалан, бундай таъқиқлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексига белгилаб қўйган.

Иккинчи шакл – мажбуриятларни бажариш. Бу шакл ҳуқуқни амалга оширишнинг шундай шаклики, у ҳуқуқий қоидаларнинг бажарилишида ифодаланади. Амалга оширишнинг мазкур шаклида субъектлар хулқ – атвори фаол хусусиятга эга бўлади.

Масъулиятни назарда тутувчи мажбурият юқловчи нормаларни амалга ошириш учун фаол хулқ – атвор, чунончи : солиқ тўлаш, маҳсулот етказиб бериш, меҳнат шартномаси бўйича ишларни бажариш кабилар талаб этилади.

Учинчи шакл – субъектив ҳуқуқдан фойдаланиш. Фойдаланиш ҳуқуқни

амалга оширишнинг шундай шаклики, у берилган руҳсатлардан келиб чикувчи имкониятларни амалга оширишда ифодаланади. Субъектларнинг фаол хулқ – атвори бу шаклга хос хусусиятдир. Масалан, ҳимояланиш ҳуқуқи, мулк объектларини юридик жиҳатдан тасарруф этиш ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқлари фикримизни яққол тасдиқлайди.

Ҳуқуқшунос олим Ш. Сайдуллаев фикрича, “Ҳуқуқни амалга ошириш – бу давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятларида ҳаётга татбиқ этилишидир”.

Ҳуқуқни кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилиши – ҳуқуқни амалга оширишнинг махсус шакли, яъни ҳуқуқни қўллаш сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқни қўллаш масаласига ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли ёндошувлар билдирилган.

Ҳуқуқшунос олима М. А. Аҳмедшаеванинг фикрича, “ҳуқуқни қўллаш жараёни, бу – қонунда белгиланган процессуал тартибда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан, ҳуқуқ нормасини ҳаётий ҳолат ва вазиятларга қўллаш йўли билан муайян юридик аҳамиятга молик масалани ҳал этишга қаратилган давлат фаолиятидир”.¹ Ҳуқуқ нормаларини қўллаш ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахслар томонидан муайян ҳуқуқий вазиятлар учун индивидуал аниқ кўрсатма (қарор, буйруқ, фармойиш) чиқариш орқали ҳуқуқ нормаларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ўз аҳамиятига кўра ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқ ижодкорлигидан кейин турувчи муҳим институтидир. Қонунда белгиланган махсус тарзда чиқарилган қарорлар юридик нормаларни ҳаётга татбиқ этилишини таъминловчи, уларни ўз ҳукми билан мустаҳкамловчи юридик кучга эга ва хулқ – атворнинг қонуний воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ҳуқуқни амалга оширишнинг бошқа шаклларида фарқланди:

- ҳуқуқ нормаси уни қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
- ҳуқуқни қўллаш давлат фаолиятининг муҳим бир шакли ҳисобланади;
- ҳуқуқни қўллаш ҳар доим қонунларда аниқ белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади;
- ҳуқуқни қўлловчи давлат органлари ва мансабдор шахслар қонунда белгилаб қўйилган муайян принциплар асосида ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Бу принциплар сифатида ҳуқуқни қўлловчи давлат органлари қонун

¹ Аҳмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2008. 236 б.

устуворлиги, ижтимоий адолат, мақсадга мувофиқлик, асослантирилганлик принципларига амал қилишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки ҳуқуқни қўллаш жараёни муайян кетма-кетликда босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳуқуқни ҳуқуқ субъектига нисбатан қўллашда босқичларнинг сони жиддий аҳамиятга эга эмас, муҳими қонунчилик талабларига жавоб берувчи маълум факт ва юридик ҳаракатлар содир этилиши лозим.

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш мураккаб жараён бўлиб, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ҳуқуқ нормасининг қўлланилишини талаб қилувчи ишнинг фактик томонини ўрганиш;

- кўрилаётган ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини танлаб олиш, унинг мазмунини аниқлаш ва шарҳлаш;

- ҳуқуқни қўллаш актини чиқариш ва унинг бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш;

- қўллаш актининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг устидан назорат қилиш.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси қонунчилик талаблари асосида ваколатли давлат органлари. Мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши лозим.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ҳуқуқни қўллаш фаолиятини натижасини ҳуқуқни қўллаш ҳужжатида ифода қилади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ваколатли субъект томонидан аниқ ҳуқуқий масалани мазмунан ҳал этиш юзасидан чиқарилади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қуйидагилар тааллуқлидир:

- парламент актлари;
- президент фармонлари ва қарорлари;
- ижро органларининг қарорлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;
- суд, прокуратура органларининг ҳужжатлари;
- корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг буйруқлари.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида, улар судлов, маъмурий ёки бошқа давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан қабул қилинишидан қатъий назар, ҳар доим давлатнинг обрўси ва кучи намоён бўлади. Шунинг учун ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида назарда тутилган кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш. Уларни бузиш тегишли тарзда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ҳуқуқшунос Р. Р. Палеханинг фикрига кўра, “ Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати – бу ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мажбурий таркибий қисми бўлиб, у мазкур

жараённинг яқунловчи босқичи натижаларини акс эттиради”.²

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳуқуқни амалга оширишнинг асосий шаклидир. Бу фаолият орқали ҳуқуқ нормаси ҳаётга тўла - тўқис татбиқ этилади ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжати орқали қўлловчи органнинг иродаси маҳсули сифатида намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “ Норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни.
3. Сайдуллаев Ш. Ҳуқуқни амалга ошириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2019. -58 б.
4. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2017. – 916 б.
5. О.О.Хусанбоев. Ҳуқуқни қўллаш – ҳуқуқни амалга оширишнинг махсус шакли. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2022.

² Палеха Р.Р. Природа правоприменения как особой формы реализации права: Автореф ...дисс. канд.юрид.наук. – Елец, 2006. – С. 10